

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ  
ИНСТИТУТИ**

**“Тасдиқлайман”  
А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ  
ректори \_\_\_\_\_ М.Алиев**

**«ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА  
УЛАРНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ»**

**ФАНИДАН МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**

Маърузачи: п.ф.н. М.Т. Жуманиёзова

**Келишилган:**

**Ўқув-услубий ишлар бўйича проректор  
\_\_\_\_\_ М.Х.Умаров**

**«Умумтаълим фанлари ва педагогик  
технологиялар» кафедраси мудири  
\_\_\_\_\_ Т. Қодиров**

**Тошкент 2010**

# **КИРИШ**

## **«Илғор педагогик технологиялар ва уларни амалда қўллаш» фани бўйича давлат талаблари**

(Халқ таълими бошқарув органлари раҳбарлари, мутахассислари ва методистлари, ПКҚТМОИ ректор, проректорлари ва профессор-ўқитувчилари ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари малакасини ошириш курслари учун)

Курс тингловчиси:

- педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари, шархлари, мазмун ва моҳиятини билиши;
- педагогик технология билан методика орасидаги фарқларни билиши;
- педагогик технологиянинг турлари, асосий йўналишлари ва таснифини билиши;
- дарс модуллари, педагогик технологиядаги модул ва алгоритм тушунчаларини билиши, улардан амалда фойдалана олиши;
- интерфаол таълим, унинг шакллари, асосий мезонларини билиши ва амалда қўллай олиши;
- интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари, уларнинг вазифаларини билиши ва баҳолай олиши;
- интерфаол машғулот самарадорлигининг педагогик-психологик асослари ва мониторингини олиб бориш йўлларини билиши ва амалда қўллай олиши;
- интерфаол дарс модулларини тузиш ва амалда қўллашни билиши;
- муаммоли таълимнинг назарий асосларини билиши;
- дарс жараёнда муаммоли вазиятлар ҳосил қилишни ва уларни ечиш усулларини билиши ва қўллай олиши;
- интерфаол ўқитиши мұхитида ўқувчилар билимини баҳолаш йўлларини билиши;
- педагогик жараёнда дўстона мұхит яратиш омилларини билиши;
- илғор педагогик технологияларни амалиётда қўллаб, имитацион ўқув машғулотларини ташкил эта олиши;
- педагогик технологияларни қўллаш жараёнда ишлатиладиган кўргазмали ва тарқатма материалларни тайёрлашга қўйиладиган талабларни билиши;
- таълим жараёнини лойиҳалаш, лойиҳа асосида ишлаш методикасини билиши керак.

## **«Илғор педагогик технологиялар ва уларни амалда қўллаш» фани бўйича ўқув-мавзуу режа**

(Халқ таълими бошқарув органлари раҳбарлари, мутахассислари ва методистлари,  
ПКҚТМОИ ректор, проректорлари ва профессор-ўқитувчилари ҳамда таълим  
муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари малакасини ошириш курслари учун)

№	Мавзулар	Маъруза	Амалиёт	Жами
1	Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи. Педагогик технология турлари.	2	-	2
2	Интерфаол таълим, унинг шакллари ва иштирокчилари.	2	-	2
3	Муаммоли таълим технологиялари. Муаммоли таълим машғулотларини ташкил этиш ва бошқариш.	2	-	2
4	Тингловчиларнинг турли педагогик технологиялар бўйича дарс ишланмалари тақдимоти.	-	2	2
	<b>Жами:</b>	<b>6</b>	<b>2</b>	<b>8</b>

## **«Илғор педагогик технологиялар ва уларни амалда қўллаш» фани бўйича ўқув дастури**

(Халқ таълими бошқарув органлари раҳбарлари, мутахассислари ва методистлари,  
ПКҚТМОИ ректор, проректорлари ва профессор-ўқитувчилари ҳамда таълим  
муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари малакасини ошириш курслари учун)

### **1. Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи. Педагогик технология турлари. (2 соат маъруза).**

Педагогик технология таърифи ҳақида.

Педагогик технология тушунчасининг келиб чиқиши, унинг сабаблари, унга бўлган эҳтиёжлар, унинг кенг кўламли, серқирра тушунча эканлиги. Педагогик технологиянинг турли таърифлари, ҳар бир таъриф маълум нуқтаи-назардан ёндашишни ифодалаши. Айрим асосий таърифлар ва уларнинг шарҳлари.

Педагогик технология турлари.

Педагогик технология қўринишлари. Педагогик технологиянинг фаолият, ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, таълим-тарбия жараёни, хусусий фанларни ўқитиши технологиялари, турли фанлар билан боғлиқлиги ва илмий тадқиқотлар соҳасига хос қўринишлари. Умумпедагогик, хусусий ва кичик педагогик технологиялар. Педагогик технологиянинг асосий йўналишлари. Педагогик технологияларни таснифлаш.

Педагогик технология билан методика орасидаги фарқ.

Педагогик технология билан методика орасидаги асосий фарқлар. Педагогик технология билан методиканинг келиб чиқиши, таърифлари, мақсадлари, қўллаш миқёси, воситалари, педагогик жараёнлари, натижа кафолатлари бўйича ва бошқа фарқлари.

## **2. Интерфаол таълим, унинг шакллари ва иштирокчилари (2 соат маъруза).**

Таълим ва тарбия жараёнида интерфаол методларнинг ўрни ва имкониятлари.

Интерфаол метод-таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришини фаоллаштириши, шахсий сифатларини ривожлантириши. Интерфаол методларни кўллашнинг дарс самарадорлигини оширишга ёрдам бериши. Интерфаол таълимнинг асосий мезонлари: норасмий баҳс-мунозаралар ўтказиш, ўкув материалини эркин баён этиш, ифодалаш имконияти, маърузалар сони камлиги, семинарлар сони кўплиги, ўқувчилар ташаббус кўрсатишларига имкониятлар яратилиши, кичик гурух, катта гурух, синф жамоаси бўлиб ишлаш учун топшириқлар бериш, ёзма ишлар бажариш ва бошқа методларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти.

### **Интерфаол методларни машғулот мақсадига мувофиқ танлаш.**

Интерфаол машғулот турлари ва уларни танлаш, тайёргарлик кўриш жараёни, ўқувчиларнинг интерфаол машғулотда иштирок этиш учун тайёрликларига қўйиладиган талаблар, машғулотда вақтдан унумли фойдаланиш, воситаларни танлаш, тайёрлаш, машғулот ўтказувчилар ва уларнинг вазифалари.

Интерфаол методлар билан анъанавий таълим усуллари орасидаги ўзаро фарқлар, қиёсий афзалликлар ва камчиликлар. Янги билимларни бериш, кўнимкамларни шакллантириш, ривожлантириш, мустаҳкамлаш, билимларни такрорлаш, амалда кўллаш машғулотларида ҳамда ўкув фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир мавзу бўйича машғулот учун энг мақсадга мувофиқ бўлган интерфаол ёки бошқа методларни тўғри танлаш.

Тўғри танланган методларни кўллаш машғулотнинг қизиқарли ва самарали бўлишини таъминлаши.

Интерфаол методларнинг конструктивизм назарияси билан боғлиқлиги. Конструктивизмнинг қўйидаги асосий холосалари:

Ўқувчи ўзи ўрганиши керак, акс ҳолда унга ҳеч ким ҳеч нарсани ўргата олмайди;

Ўқитувчи ўқувчиларга билимларни «кашф қилишга» ёрдам берадиган жараённи ташкил қиласди;

Билим борлиқдан кўчирилган нусха эмас, уни одам шакллантиради.

### **Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари.**

Модератор, тренер, тютор, фасилитатор, ментор, коуч, консультант, лектор, эксперт, инноватор, коммуникатор, ўқитувчи, менеджер, спектер, ассистент, секретарь ва уларнинг асосий вазифалари, бир-бирининг ўрнини босиши, яъни бир вақтда бир киши бир машғулот давомида бир нечта вазифани бажариши имкониятлари. Ўқувчиларнинг асосий вазифалари.

### **Интерфаол методларнинг педагогик ва психологик хусусиятлари.**

Педагогика фанида конструктивизмнинг назарий ва амалий йўналиши. Конструктивизм нуқтаи назаридан таълим-бу фикрлаш фаолияти ёрдамида шахсий тажриба асосида билимни шакллантириб бориладиган фаол жараёндан иборат эканлиги. Бунда ҳақиқатни билишга томон йўналтирилган ҳаракат жараёнига асосий эътибор қаратилиши.

Бола интеллектининг ривожланиши (Ж.Пиаже), энг яқин ривожланиш соҳаси (Л.С.Выготский), ўкув мақсадлари таксономияси (Б.Блум), интеллектнинг кўп турлилиги (Г.Гарднер) ҳақидаги маълумотлар ва улардан амалда фойдаланиш.

Интерфаол машғулот самарадорлигини белгилашнинг педагогик-психологик асослари, шу машғулотларда ўқувчилар билимининг ДТС талабларига мувофиқлиги назоратини ва мониторингини олиб бориш йўллари.

### **3. Муаммоли таълим технологиялари. Муаммоли таълим машғулотларини ташкил этиш ва бошқариш. (2 соат маъруза).**

Муаммоли таълимнинг назарий асослари.

Муаммоли таълим технологиялари ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланганлиги. Муаммоли таълим технологиясининг асоси-инсоннинг фикрлаши муаммоли вазиятни ҳал этишдан бошланиши ҳамда унинг муаммоларни аниқлаш, тадқиқ этиш ва ечиш қобилиятига эга эканлигидан келиб чиқиши ҳақида. Муаммоли таълимнинг ўқувчилар ижодий тафаккури ва ижодий қобилиятларини ўстиришдаги аҳамияти.

Муаммоли таълимнинг бош мақсади-ўқувчиларнинг муаммони тўлиқ тушуниб этишига эришиш ва уни ҳал эта олишга ўргатишдан иборат эканлиги. Муаммоли вазият тушунчаси ҳақида.

Турли ўқув фанлари бўйича дарс жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш ва уларни ечиш усулларини олдиндан кўзда тутиш.

Муаммоли вазият яратиш усуллари:

- ўқитувчи ўқувчиларга дарс мавзуси билан боғлиқ зиддиятли ҳолатни тушунтиради ва уни ечиш йўлини топишни таклиф қиласди;
- бир масалага доир турли нуқтаи-назарларни баён қиласди;
- ҳал этиш учун етарли бўлмаган, ортиқча маълумотлар бўлган ёки саволнинг қўйилиши нотўғри бўлган масалаларни ечишни таклиф этади ва бошқалар.

Муаммоли вазиятни ҳал этиш даражалари:

- ўқитувчи муаммони қўяди ва ўзи ечади;
- ўқитувчи муаммони қўяди ва унинг ечимини ўқувчилар билан биргаликда топади;
- ўқувчиларнинг ўzlари муаммони қўядилар ва унинг ечимини топадилар.

Муаммоли вазиятни ечишда қўлланиладиган усуллар:

- муаммони турли нуқтаи-назардан ўрганиш, таҳлил қилиш;
- солишириш, умумлаштириш;
- фактларни аниқлаш ва қиёслаш;
- вазиятга боғлиқ хulosалар чиқариш;
- ўқувчиларнинг ўzlари аниқ саволлар қўйиши ва бошқалар.

### **4. Тингловчиларнинг турли педагогик технологиялар бўйича дарс ишланмалари тақдимоти (2 соат амалиёт).**

Тингловчиларнинг ўз тажрибасига суюнган ҳолда тайёрлаган илғор педагогик технология асосида ўтадиган айрим дарслари ишланмасини гуруҳ иштирокида муҳокама этиб, керакли тавсиялар берилади. Бунда тингловчиларнинг ўзаро фаол тажриба алмашишларини йўлга қўйиш мақсадида 2-3 тингловчи биргаликда дарс ишланмаси тайёрлаши ҳам мумкин.

**Изоҳ.** Ушбу ўқув-мавзу режа ва дастурга худудлардаги ҳақиқий аҳвол ва шарт-шароитларни, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси ва эҳтиёжларини, таълим муассасаларини ривожлантиришнинг кўзланган истиқболларини ва бошқа долзарб масалаларни ҳисобга олган ҳолда зарур ўзгаришлар киритилиши мумкин.

# **1-мавзунинг технологик харитаси ва маъруза матни**

**Фан:** Илғор педагогик технологиялар. **Аудитория:** Директорлар гуруҳи

**Мавзу:** Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи. Педагогик технология турлари (3-блок, XII-қисм, 1-мавзу)

**Калит сўзлар:** технология, таълим технологияси, педагогик технология тарихи, метод, методика, усул, педагогик технология мониторинги, «Танишув харитаси» машқи,

**Соатлар сони:** 2 соат

**Маъруза матнини ишлаб чиқувчи:** Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна

**Маъруза матнини ишланган санаси:** 25.05.2010

**Иш жойи:** А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, “Умумтаълим фанлари ва педагогик технологиялар” кафедраси

## **Мавзунинг қисқача таърифи (Давлат талабларига мувофиқ)**

Педагогик технология таърифи ҳақида. Педагогик технология тушунчасининг келиб чиқиши, унинг сабаблари, унга бўлган эҳтиёжлар ҳақида. Педагогик технологиянинг турли таърифлари, ҳар бир таъриф маълум нуқтаи-назардан ёндашишни ифодалаши. Айрим асосий таърифлар ва уларнинг шарҳлари. Чет давлатлардаги “Педагогик технология марказлари” ҳақида

Педагогик технология турлари. Педагогик технология кўринишлари. Педагогик технологиянинг фаолият, ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, таълим-тарбия жараёни, хусусий фанларни ўқитиши технологиялари, турли фанлар билан боғлиқлиги ва илмий тадқиқотлар соҳасига хос кўринишлари. Умумпедагогик, хусусий ва кичик педагогик технологиялар. Педагогик технологиянинг асосий йўналишлари. Педагогик технологияларни таснифлаш. Педагогик технология билан методика орасидаги фарқ. Педагогик технология билан методиканинг келиб чиқиши, таърифлари, мақсадлари, қўллаш миқёси, воситалари, педагогик жараёнлари, натижа кафолатлари бўйича ва бошқа фарқлари.

## **Ўқув жараёнини амалга ошириши технологияси**

**Метод:** Оғзаки баён қилиш, «Танишув харитаси» машқи, сухбат-маъруза, “БББ” методи

**Форма:** савол-жавоб, индивидуал ишлаш, кичик гурухларда ишлаш, жамоа билан катта гурухда ишлаш.

**Воситалар (техник ва дидактик):** Тарқатма материаллар, слайдлар, тест саволлари, компьютер, проектр, флипчарт, А-4 қозози, маркер, скоч

**Назорат:** Оғзаки назорат, ўз-ўзини назорат қилиш, савол-жавоб, тест орқали

**Баҳолаш:** Рағбатлантириш

**Дарс /маъруза/нинг мақсад ва вазифалари:**

**Мақсадлар:**

**Таълимий:** Педагогик технология, унинг ривожланиши тарихи, педагогик технология билан методика орасидаги фарқни тингловчиларга тушунтириш.

**Тарбиявий:** Педагогик технологиялар марказларининг фаолияти мисолида ҳар бир мактабнинг ўз педагогик лабораторияси бўлиши лозим эканлигини тингловчиларга етказиб бериш.

**Ривожлантирувчи:** Тингловчиларнинг илғор педагогик технологияларни қўллашнинг афзалликлари ва ўзига хос мураккабликларини англашларига ёрдам бериш.

**Вазифалар:** (мақсадга мос равиша вазифаларни тингловчи учун топшириқ ёки савол шаклида ифодаланг)

**Таълимий савол:** Педагогик технологиянинг ривожланиш даврларига изоҳ беринг. Педагогик технология ва методика ўртасида қандай фарқлар борлигини аниқланг

**Тарбиявий савол:** ўз мактабингизда педагогик технологиялар лабораториясини яратишингиз мумкинми? Бунинг учун сизга нима керак? Сизга нима ҳалақит бериши мумкин?

**Ривожлантирувчи савол:** Сиз қайси педагогик технологияларни биласиз? Қайсиларидан ўз фаолиятингизда фойдаланасиз? Педагогик технологияларни қўллашнинг афзал ва мураккаб томонлари сананг.

**Кутилаётган натижалар:**

**Дарс/маъруза/ якунида тингловчи билади (Билим):**

Педагогик технология тушунчаси билан танишадилар, педагогик даврлар ва технологиялар ривожланиши тарихини билиб оладилар

**Қайси саволлар берилади:**

“Технология” сўзининг маъноси нима? Педагогик технологиялни ривожланиш даврлари қайсилар? Педагогик технология муаммолари бўйича қайси олимлар тадқиқот олиб борган?

**Дарс/маъруза/ якунида тингловчи тушунади (Кўникма):**

Педагогик технология билан методикани бир-биридан фарқлай оладилар, усул, услуг, методика ва педагогик технологияларни бир-биридан ажратса оладилар.

**Қайси саволлар берилади:**

“Метод” сўзига таъриф беринг? Педагогик технология билан методика ўртасидаги фарқни тушунтириб беринг? Усул ва услубни тушунтириб беринг? ЮНЕСКО таърифини изоҳлаб беринг.

<b>Дарс/маъруза/ якунида тингловчи бажара олади (Малака):</b> Ривожланган мамлакатлардаги педагогик технологиялар марказлари ҳақида интернетдан маълумот топа олади.	<b>Қандай топшириқлар берилади:</b> Интернет тармоғидан педагогик технологиялар марказлари ҳақида маълумот тўпланди.		
<b>Дарс жараёни ва унинг босқичлари:</b>			
Ишнинг номи	Бажариладиган иш мазмуни	Метод	Вақт
<b>1-босқич: Ташкилий қисм.</b>	1. Давоматни аниқлаш. 2. “Танишув харитаси” асосида гуруҳ билан танишиш	“Танишув харитаси” машқи	1 мин 10 мин
<b>2-босқич: Рефлексия. Эҳтиёжларни аниқлаш</b>	1. Мавзу бўйича савол-жавоб орқали тингловчиларнинг ушбу мавзуга тайёрлиги ва эҳтиёжлари аниқланади.	Оғзаки сўров	5 мин
<b>3-босқич: Янги мавзунинг баёни</b>	1. Слайдлар асосида ўқитувчининг кичик маъruzаси 2. “Методика ва педагогик технология орасидаги ўхшашлик ва фарқларни гурухлар ишлаб чиқади 3. Тақдимотлар (хар гурухга 1 мин) 4. Ўқитувчининг дарсни хуносалаши	Слайдлар тақдимоти  Кичик гурухда ишлаш  Слайдлар асосида	15 мин  5 мин  5 мин 5 мин
<b>4-босқич: Мустаҳкамлаш</b>	1. Гурухларга бўлиниб тест ечиш	Тест	10 мин
<b>5-босқич: Баҳолаш.  Дарс якуни</b>	1. Гурухларда тест натижаларини таҳлили ва баҳолаш  2. Тингловчилар нимани олдиндан билар эди, дарс жараёнида нималарни билишни ҳохлаган эди, нималарни билиб олганлигини таҳлил қиласди	Гурухни баҳолаш  “БББ” методи	5 мин  10 мин
<b>6-босқич: Мустақил бажариш учун топшириқлар (уйга вазифа)</b>	Педагогик технологиялар блокидаги кейинги мавзу учун ҳар бир тингловчи ўз фаолиятида қўллаб келаётган методлар ва технологияларни рўйхатини тузиб келади	Ёзма топшириқ.	1 мин

## **Дарс/маъруза/нинг бориши:**

**1-босқич.** Ўқитувчи дарсни бошланишида тингловчиларни рангли қоғозлар асосида 4 гурӯҳга бўлади. Гурӯҳлар билан танишув ўтказилади. “Танишув харитаси” машқи ёрдамида. Бунда гурӯҳлар берилган схема бўйича ўз гурӯҳларига ном танлайди ва уларни схемада берилган тартибда таништиради: (*1-слайд илова қилинади*).

**2-босқич:** Янги мавзуни ўрганишни бошлашдан олдин тингловчиларнинг шу йўналишдаги мавжуд билимлари, эҳтиёжларини аниқлаш ва мотивацияни вужудга келтириш учун оғзаки савол жавоб ўтказилади. Саволлар намунаси:

1. Педагогик технология ҳақидаги қайси манбаларни биласиз?
2. Ўз фаолитингизда қайси технологиялар ёки методларни қўллайсиз?
3. Курсдаги ўқиш жараёнида қайси методларни ўргандингиз ёки танишдингиз?
4. Педагогик технология тушунчасига ўз сўзингиз билан таъриф беринг?

**3-босқич:** **1-иши.** Янги мавзуни ўқитувчи слайдлар ёрдамида кичик маъруза шаклида олиб боради. Унда педагогик дарвлар, педагогик технологияларнинг ривожланиш тарихи ва унга берилган таърифлар ҳақида гапирилади. (*маъруза матни илова қилинди, 2-7 слайдлар асосида*)

**2-иши.** Кичик гурӯҳларда ишлаш. Бунда 1-2-гурӯҳлар “Педагогик технология билан методика ўртасидаги ўхшашликларни” 3-4-гурӯҳлар улар ўртасидаги асосий фарқларни ёзиб чиқади.

**3-иши.** Гурӯҳларнинг тақдимоти ва ўқитувчининг мавзунни асосий хулосаларини эълон қилиши. (*8-11 слайдлар асосида*)

**4-босқич:** Янги мавзуни мустаҳкамлаш учун кичик гурӯҳларда тингловчилар мустақил тест ишлайди. (*тест материали илова қилинди*). Вақт 10 мин.

**5-босқич:** **1-иши:** Тест натижалари ўқитувчининг тўғри жавоблари асосида текширилади. Бунда ҳар бир гурӯх қўшни гурӯҳнинг тест натижаларини текширади.

**2-иши:** Тингловчилар нимани олдиндан билар эди, дарс жараёнида нималарни билишни ҳоҳлаган эди, нималарни билиб олганлигини таҳлил қиласида. “БББ” методи ёрдамида.

Билардим	Билишни ҳоҳлаган эдим	Билиб олдим

**6-босқич: Мустақил бажариш учун топшириқлар (уйга вазифа):** Педагогик технологиялар блокидаги кейинги мавзуу учун ҳар бир тингловчи ўз фаолиятида қўллаб келаётган методлар ва технологияларни рўйхатини тузиб келади.

## **Педагогик технология түшүнчеси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи. Педагогик технология турлари. (сұхбат –маъруза матни)**

**Режа:**

- 1. Педагогик технология ҳақида түшүнча**
- 2. Педагогик даврлар ва технологиялар ривожланиши тарихи**
- 3. XX асрда педагогик технологияларнинг ривожланиши**
- 4. Ривожланган мамлакатларда педагогик технологиялар марказлари**
- 5. Педагогик технология билан методика орасидаги фарқ.**

### **1. Педагогик технология ҳақида түшүнча**

Илмий техник тараққиёт XX аср охирига келиб фақатгина күплаб ишлаб чиқариш соҳаларини технологиялаштиришга сабаб бўлиб қолмай, балки маданият соҳасига, билимлар гуманитар соҳаларига ҳам кириб келди. Бугунги кунда биз энди ахборот, тиббиёт технологиялари ҳақида гапирамиз, шу жумладан таълим соҳасида ҳам.

Педагогик технология деб одатда мақсади таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, таълимда кўзланган натижаларга эришишга бўлган педагогиканинг йўналишига айтилади (М. Кларин, 1989).

“Педагогик технология” сўз бирлиги – бу инглизча “*an educational technology*” – “таълим технологияси” иборасининг аниқ бўлмаган таржимасидир. “Педагогик технология” түшүнчеси охирги пайтларда ўқитиш назариясида янада кенгроқ кўлланилмоқда. Айнан “технология” термини ва унинг “ўқитиш технологияси”, “таълим технологияси”, “таълимда технология” каби шаклларига педагогик адабиётларда 300 дан ортиқ таърифлар берилган.

“Педагогик технология” термини биринчи бор педагогика бўйича ишларда XX асрнинг 20-йилларида тилга олинган. Ҳозирги кунда педагогик технология түшүнчесида турлича ифодалашлар мавжуд.

1. Технология – бу бир ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган услублар тўпламидир (изоҳли луғат).

2. Педагогик технология – бу ўкув жараёнини амалга оширишнинг техникасидир (В.П. Беспалъко).

3. Педагогик технология – бу ўқитишда режалаштирилган натижаларга эришиш жараёнини тасвиrlашдир (И.П. Волков).

4. Педагогик технология – бу ўқитиш, тарбиявий воситалар, шакллари, методлари, усул, услубларининг маҳсус тўплами ва тузилишини белгиловчи психологияк-педагогик кўрсатмалар йифиндиси, у педагогик жараённинг ташкилий методик қуроли демактир (Б.Т. Лихачев).

5. Педагогик технология – бу таълим шаклларини оптималлаштириш масалани қўювчи, техник ва инсоний имкониятларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олиб ўқитиш ва билимлар ўзлаштириш бутун жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашга системали ёндашишидир (ЮНЕСКО).

6. Технология – бу санъат, маҳорат, мохирлик, ишлаб чиқиш методлари тўплами, ҳолатини ўзгартиришдир (В.М. Шепель).

7. Ўқитиш технологияси - бу ўкувчилар ва ўқитувчилар учун сўзсиз қулай шароитлар яратиб бериш учун ўкув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва

олиб бориш бўйича ҳар томонлама ўйлаб чиқилган ҳамкорликдаги педагогик фаолият моделидир (В.М. Монахов).

8. Педагогик технология – бу педагогикада фикрлашнинг системали усулидир (Т. Сакамото).

9. Педагогик технология – ўкув жараёнининг ташкилий шакли, методлари, мазмунини ўзгартирувчи унинг ривожланиш системасидир (Э. Бистереки ва Ж. Целлер).

10. Педагогик технология - педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган ҳамма шахсий, инструментал ва методологик воситалар системали тўплами ва ишлатилиши тартибини билдиради (М.В. Кларин).

11. Педагогик технология – бу таълим мақсадига эришишга қаратилган ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятини системали, концептуал, қоидали, объективлаштирилган, инвариант тасвирлашдир (Ф.А. Фрадкин).

12. Педагогик технология билимларни эгаллашда режалаштириш, бошқариш ва таъминлашни таҳлил қилиш учун фаолиятни ташкил этиш усулини, одамлар, ғоялар, воситаларни ўз ичига олувчи комплекс интеграл жараён демакдир (Педагогик коммуникациялар ва технологиялар бўйича АҚШ ассоциацияси).

## **2. Педагогик даврлар ва технологияларнинг ривожланиш тарихи**

Педагогика фани тарихидан кўриниб турибдики ўқитиш ва кадрлар тайёрлашнинг янада мукаммал методларини ва усулларини излаш доимий давом этиб келган.

Ўқитиш – бу жамият тараққиёти учун самараси педагогнинг фаолияти якунланиши билан дархол кўринмаса ҳам ҳар қандай бошқа фаолият каби ишлаб чиқариш фаолиятидир.

Жамият тарихида иқтисодий даврлар фақатгина нималар ишлаб чиқарилиши, ким томонидан қанча ишлаб чиқарилиши, меҳнатнинг қайси воситалари билан ишлаб чиқарилиши қараб фарқ қилмайди.

Ана шу нуқтаи назардан биз ижтимоий тарихда мавжуд бўлган “педагогик даврларни” кўриб чиқамиз:

I. Индивидуал педагог, қўл билан ишлайдиган педагогнинг педагогик фаолияти даври (қадимги даврлардан бошлаб XVII асргача);

II. Ёзув китоби даври (XVII асрдан хозирги давргача);

III. Аудиовизуал воситалар даври (XX асрнинг 50-йиллари).

IV. Ўқитишни бошқаришни автоматлаштириш оддий воситалари даври (XX асрнинг 70-йиллари).

V. Замонавий ҳисоблаш машиналари асосида таълимни бошқаришни автоматлаштиришда адаптив воситалар даври (XX аср охири компьютерда ўқитиш).

## **3. XX асрда педагогик технологияларнинг ривожланиши**

XX аср охирига келиб илмий-техник тараққиёт фақатгина ишлаб чиқаришни технологиялаштиришга олиб келиб қолмай, балки маданият доиласи, билимлар гуманитар соҳаларига ҳам кескин кириб келди.

“Технология” тушунчаси техник тараққиёт сабабли юзага келди ва луғатлар талқини бўйича (techne санъат, ҳунар, фан; logoқ – тушунча, таълимот) материалларга ишлов бериш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар тўплами

демакдир. Технология шу билан бирга жараённи билиш санъатини ҳам ўз ичига олади. Технологик жараён ҳар доим зарур воситалар ва шароитлардан фойдаланиш билан операциялар маълум кетма-кетлигини кўзда тутади. Технология процессуал мазмунда “қандай қилиб, нимадан ва қайси воситалар билан бажариш керак?” деган саволга жавоб беради.

ХХ асрнинг 20-йилларида “педагогик технология” термини биринчи бор педагогика бўйича асарларда тилга олинган. Шу вақтнинг ўзида яна бир бошқа – “педагогик техника” термини ҳам тарқалди. У педагогик энциклопедияда 30-йилларда ўкув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга қаратилган услублар ва воситалар сифатида ифодаланган. Педагогик технологияларга ўкув ва лаборатория ускуналари билан ишлаш, кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш маҳоратлари ҳам киритилган.

60-йиллар ўрталарида бу тушунчанинг мазмуни чет элларда педагогик нашрларда ва халқаро конференцияларда кенг муҳокама этилди, натижада ушбу соҳада турли мамлакатларда (АҚШ, Англия, Япония, Франция, Италия, Венгрия) уни талқин қилиш икки йўналиши белгиланди.

Биринчи йўналиш тарафдорлари техник воситалар ва дастурлаштирилган ўқитиш воситаларини қўллаш зарурлигини таъкидладилар (*technology in education*).

Иккинчи йўналиш тарафдорлари эса ўкув жараёнини ташкил этиш самарадорлигини ошириш ва педагогик ғояларнинг техниканинг кескин ривожланишидан ортда қолишини ўқотиши мухим деб ҳисобладилар. Шундай қилиб 1-йўналиш “Ўқитища техник воситалар” сифатида белгиланди, бироз кейинроқ юзага келган 2-йўналиш “ўқитиш технологияси” ёки “ўкув жараёни технологияси” сифатида белгиланди.

70-йилларнинг бошларида турли хилдаги ўкув ускуналарини ва ўкув воситаларини модернизациялаштириш зарурлиги англаб этилди. Буларсиз ўқитишининг сифатлилиги ва самарадорлигига эришиб бўлмас эди.

60-йиллар ўрталари ва 70-йилларнинг бошларида АҚШ, Англия, Япония, Италия каби юксак ривожланган давлатларда педагогик технологиялар масалалари билан шуғуллануви журнallар нашр этила бошланди, кейинчалик бу муаммо билан ихтисослаштирилган ташкилотлар ва марказлар шуғулдана бошлади.

#### **4. Ривожланган мамлакатларда педагогик технологиялар марказлари**

АҚШда 1971 йил – “Педагогик коммуникациялар ва технологиялар бўйича АҚШ Ассоциацияси” тузилди. Ҳозирги кунда мамлакат бўйлаб ва Канадада бу кенгашнинг 50 та филиаллари иш олиб бормоқда. АҚШ да 1961 йилда “Педагогик технология” журнали (*Educational Technology*), 1971 йилда эса – “Аудиовизуал ўқитиш” журнали нашр этила бошланди.

Англияда 1967 йил - Педагогик технология бўйича Миллий кенгаш 1964 йилдан бошлаб “Педагогик технология ва ўқитишни дастурлаштириш” (*Educational Technology progratted tearning*) журналини, 1971 йилда – “Педагогик технология” журналини нашр эта бошлади.

Японияда - Педагогик технологиялар муаммолари билан 4 та илмий ташкилотлар шуғулланади. 1967 йилда “Педагогик технологиялар бўйича Миллий кенгаш” ташкил этилди, унинг филиаллари 22 та давлат университетларида жойлаштирилган. 1965 йилдан бошлаб Япон тилида ҳар уч ойда “Педагогик технология” журнали ва инглиз тилида йилига икки марта “Педагогик

технологиялар соҳасида тадқиқотлар” журнали нашр этилади. Яқинда “Педагогик технологиялар бўйича умумяпон Марказий кенгаши” ташкил этилди, у муаммолар бўйича халқаро алоқалар ўрнатиш билан ҳам шуғулланади.

Италияда – 1971 йили педагогик технологиялар бўйича Миллий марказ ташкил этилди ва “Педагогик технологиялар” журнали нашр этилади.

Венгрияда - 1973 йили ўқитиш технологияси Давлат Маркази ташкил этилди.

Ўқитиш технологияси бўйича Халқаро семинарда (Будапешт, 1977) олим С.Г. Шаповаленко ўқитиш жараёнининг учта технологик принципларини кўрсатди:

1. Билим ва техникани мукаммал эгаллаш.
2. аудиовизуал материаллари фонди билан танишиш.
3. Улардан самарали фойдаланиш методикасини билиш, шу жумладан ижодий ёндошиши ривожланиши ҳам.

Венгрия олими Л. Салаи “ўқитиш технологияси” тушунчасига режалаштириш, мақсадларни тахлил қилиш, ўкув-тарбиявий ишлар жараёнини илмий ташкил этиш, самарадорлигини ошириш мақсадида энг муҳим восита ва материалларни танлашни киритиб ўқитиш жараёнини ташкил этувчиларни доирасини анча кенгайтирди. Э. Бистерски ва Ж. Целлерлар (АҚШ) тўпланган маълумотлар бўйича ўқитиш техникаси фақатгина ёрдамчи восита ва янги системадан иборат бўлибгина қолмай, балки ўқиши жараёни ташкилий шаклини, методи ва мазмунини ўзгартириб унинг ривожланишида катта рол ўйнади. Бу эса ўз навбатида ўқитувчилар ва ўқувчиларни педагогик фикрлашларига катта таъсир кўрсатди.

Россия XX асрнинг 90-йилларида педагогик технологиялар бўйича Марказ ташкил этилди, “Мактаб технологияси”, “Таълимда инновациялар” журналлари нашр этилади.

Ўзбекистон 1997 йили кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилингандан бошлаб таълим тизимида, педагогик нашрларда педагогик технологиялар муаммолари долзарб тадқиқотчилик объектлари сифатида кўтарила бошланди.

1999 йилда Республика таълим Маркази қошида педагогик технологиялар бўйича Марказ ташкил этилди. “Таълим технологиялари”, “Таълим муаммолари” каби журналлар нашр этила бошланди, педагогик технологиялар муаммолари бўйича мақолалар “Халқ таълими”, “Педагогик таълим”, “Таълим ва тарбия” журналларида, “Маърифат”, “Ўқитувчилар газетаси” ва бошқа илмий-педагогик нашрларда босилиб чиқарилмоқда.

1994 йили педагогик технологиялар муаммолари бўйича 1-Республика илмий-назарий конференцияси ўtkазилди, маъruzалар ва ҳисоботлар материаллари маҳсус тўпламда чоп этилди.

Педагог-олимлар У. Нишоналиев, Н.С. Саидхамедов, Н.Н. Азизходжаева, Зиямухаммедов, У. Толипов, Б.Л. Фарберман ва бошқалар Республикада педагогик технологиялар муаммолари бўйича жиддий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

## 5. Педагогик технологияни методикадан фарқи

Ҳозирги кунда педагогик технология ҳақидаги аниқ тушунча ва тасаввурлар юор бўлсада, уни хусусий методикалар билан тенгглаштириш ҳоллари учрайди. Аслида эса улар орасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиб, қуйида улар ҳақида кисқача баён қилинади.

**Педагогик технология** – ўқувчини мустақил ўқишига, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

**Методика** – ўқитувчининг билими, кўникмаси маҳорати, шахсий сифатлари, темпераментига боғлиқ бўлиб, маълум шахс ўқитувчи учун қулай бўлган ўқитиш усуллари ва йўллари мажмуадир. У алоҳида методикаларга ажратилади. Педагогика фани маълум ўкув фанларини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қиласди. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу кабилар.

Методиканинг педагогик технологиядан фарқини тушуниш ва амалда ҳар иккисидан унумли фойдалана билиш талаб этилади. Улар орасидаги фарқлар қўйидаги жадвалда келтирилган

т/ р	Асосий тушунчалар	Педагогик технология	Методика
1	Таърифлар	Педагогик технология – инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таълимий ва тарбиявий таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат	Методика – маълум ўкув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадқиқ қиласди
2	Мақсад	Комил инсонни шакллантиш	Алоҳида ўкув фанларини ўқитиш ва тарбиявий ишларнинг сифатли бўлишини таъминлаш
3	Кўллаш миқёси	Барча таълим-тарбия жараёнида	Хусусий фанларни ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда
4	Воситалар	Барча таълимий ва тарбиявий воситалар, хусусий методикалар	Алоҳида ўкув фанларини ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда қўлланиладиган воситалар
5	Педагогик жараён	Таълим-тарбия технологияси асосида, таълим менежменти ва маркетинг асосида, таълим-тарбия соҳасидаги илг`ор тажрибаларни умумлаштирувчи лойиҳалар асосида ривожланиб боради.	Таълим-тарбия методикаси асосида ижодкор ўқитувчиларнинг илг`ор тажрибаларига, таяниб ривожланади. Хусусий тажрибалар асосида бойитиб борилади. Педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади ҳар бир педагогнинг натижаси ҳар -хил бўлади.
6	Натижа кафолати	Олдиндан белгиланган мақсадга эришиш кафолати бор.	Олдиндан белгиланган мақсадга ҳар бир ўқитувчи ўз имкониятларига мувофиқ турли даражада эришади. Шу сабабли талаб даражасидаги натижа кафолатланмайди. Асосан ижодкор ўқитувчиларгина яхши натижаларга эришадилар.
7	Келиб чиқиши	Хусусий методикаларнинг ривожланиши натижасида келиб чиқсан.	Таълим тарбиянинг турли хусусий масалаларини ҳал қилиш зарурати натижасида келиб чиқсан

“Педагогик технология” тушунчаси хусусий фанлар ва маҳаллий даражалардаги ўқитиш методикалари тушунчасу билан мос келадиган ҳоллар хусусий даражадаги педагогик технологияларга тегишли.

Технологияларда күпроқ просесуал, миқдорий ва ҳисоб-китоб компонентлари ифодаланса, методикаларда мақсад, мазмун, сифат ва вариантли йўналтирувчи томонлари күпроқ ифодаланади. Технология методикалардан ўзининг қайта тикланувчаниниг турғуналиги, кўплаб “агар”лар(агар ўқитувчи истеъдодли, агар болалар қобилиятли бўлса, агар яхши ота-оналар бўлса....) йўқлиги билан фарқ қиласди. Яъни технология тегишли тайёргарликка эга бўлган ҳамма мутахасислар томонидан қайта тиклаш ва қўллаш мумкинлиги билан жуда ҳам индивидуал бўлган методдан фарқ қиласди.

Метод – бирор ҳаракатни амалга ошириш йўли, усули ёки кўринишидан иборат.

Педагогик технология ўқув жараёни (яъни ўқитувчининг ўқувчининг фаолияти билан), унинг таркиби, воситалари, усуллари ва шакллари билан энг кўп даражада боғланган.

Педтехнология стандартларни тўла ўзлаштириши, сифат даражасини кафолатидир

Педагогик технология ўқув жараёнининг шундай лойиҳасини у бир киши ёки бирор ижодий гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади, ундан барча ўқитувчилар фойдалана оладилар.

Ўқувчи ўқитилмайди – уни мустақил мутолаа қилишга ўргатилади.

Ўқувчига билимлар тайёр ҳолда берилмайди, унга билимларни манбаалардан мустақил ола билишга, фикрлай олиш, мустақил позицияда турошига ўргатилади.

Барча ўқувчиларни ўз қобилиятлари эҳтиёjlари даражасида албатта ўзлаштириб олишлари кафолатланади.

### Мавзуу бўйича слайдлар (илова)

#### 1-слайд

##### Танишув

Гуруҳ номи ва аъзолари:

Гуруҳнинг график тасвири:

Гуруҳ шиори:

Гуруҳ аъзоларига хос ҳусусиятлари:

дарсдан кутилаётган натижалар:

## 2-слайд

# Педагогик технология тушунчаси ҳақида


- **Технология** – бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган усуллар, йўллар йиғиндиси. (изоҳли луғат)
- **Технология** – ишлов бериш, аҳволни ўзгартиш санъати, маҳорати, қобилияти, методлар йиғиндиси.
- **Педтехнология** – педагогикани санъат, маҳорат даражасидаги соҳасини ўрганувчи фан.

## 3-слайд


# ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪРИФЛАРИ

- **ЮНЕСКО таърифи:**
- Педагогик технология – техника ресурслари, одамлар ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг ҳамма жараёнларини яратиш, қўллашнинг тизимли методи.

#### 4-слайд



#### 5-слайд



## 6-слайд

### Педагогик технология МОНИТОРИНГИ

I - босқич	Үрганиш	Эсда сақлаш
II - босқич	Тушуниб олиш	Үрганғанні айта билиш, исботлаш
III - босқич	Татбиқ эта олиш	Қоида қонунни билиб олиб, ундан фойдаланиш
IV - босқич	Таҳлил эта билиш	Қиёслаш, таққослаш, бир-бирига боғлаш
V - босқич	Синтез	Ахборотни ижодий қайта ишлай олиш
VI - босқич	Баҳо олиш	Кейинги билимни олшызу көзөм

## 7-слайд



## 8-слайд

№ п	Асосий түшүнчә	Педагогик технология	Методика
1	Таъриф лар	Педагогик технология – инсонга олдиндан белгиланган мақсад бүйича таълимий ва тарбиявий таъсир ўтказып фоалияты	Методика – маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадқик қиласы
2	Мақсад	Комил инсонни шакллантириш	Алохидә ўқув фанларини ўқитиш ва тарбиявий ишларнинг сифатли бўлишини таъминлаш
3	Қўллаш микёси	Барча таълим-тарбия жараёнида	Хусусий фанларни ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда
4	Восита лар	Барча таълимий ва тарбиявий воситалар, хусусий методикалар	Алохидә ўқув фанларини ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда кўлланиладиган воситалар
5	Педагогик жараён	Таълим-тарбия технологияси асосида, таълим менежменти ва маркетинг асосида, таълим-тарбия соҳасидаги илғор тажрибаларни умумлаштирувчи лойиҳалар асосида ривожланиб боради.	Таълим-тарбия методикаси ижодкор ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларига, таяниб ривожланади. Хусусий тажрибалар асосида бойитиб борилади. Педагогик технологиянинг таркибий кисми хисобланади ҳар бир педагогнинг натижаси ҳар -хил бўлади.
6	Натижа кафолати	Олдиндан белгиланган мақсадга эришиш кафолати бор.	Олдиндан белгиланган мақсадга ҳар бир ўқитувчи ўз имкониятларига мувофиқ турли даражада эришади. Шу сабабли талаб даражасидаги натижа кафолатланмайди. Асосан ижодкор ўқитувчи яхши натижаларга эришади
7	Келиб чиқиши	Хусусий методикаларнинг ривожланиши натижасида келиб чиқсан.	Таълим тарбиянинг турли хусусий масалаларини ҳал қилиш зарурати натижасида келиб чиқсан

## 9-слайд

### Педагогик технологиянинг мезонлари

1. Маълум илмий асосга, концепцияга таяниш;
2. Тизимлилик, ўқув-тарбия жараёни ва унинг таркибий қисмларининг ўзаро мантиқий боғлиқлиги.
3. Самарадорлиги, таълим стандартларига эришишни кафолатлаши, талаб қилинадиган вақт, куч ва воситаларнинг меъёр даражасида эканлиги.

## 10-слайд

### Педагогик технологиянинг мезонлари

4. Бошқалар томонидан қайта амалга ошириш мумкинлиги.
5. Технологик тизимнинг асосий белгиси аввалдан мақсад, кутилган натижага эришишни, сифатни кафолатлайди.

## 11-слайд

### ХУЛОСА

- Педагогик технология ўқув жараёнининг шундай лойихасини у бир киши ёки бирор ижодий гурӯҳ томонидан ишлаб чиқилади, ундан барча ўқитувчилар фойдалана оладилар.
- Ўқувчи ўқитилмайди – уни мустақил мутолаа қилишга ўргатилади.
- Ўқувчига билимлар тайёр ҳолда берилмайди, унга билимларни манбаалардан мустақил ола билишга, фикрлай олиш, мустақил позицияда турға олишга ўргатилади.
- Барча ўқувчиларни ўз қобилиятлари эҳтиёжлари даражасида албатта ўзлаштириб олишлари кафолатланади.
- Ўқувчига билимлар тайёр ҳолда берилмайди, унга билимларни манбаалардан мустақил ола билишга, фикрлай олиш, мустақил позицияда турға олишга ўргатилади.
- Барча ўқувчиларни ўз қобилиятлари эҳтиёжлари даражасида албатта ўзлаштириб олишлари кафолатланади.
- Ўқувчига билимлар тайёр ҳолда берилмайди, унга билимларни манбаалардан мустақил ола билишга, фикрлай олиш, мустақил позицияда турға олишга ўргатилади.
- Барча ўқувчиларни ўз қобилиятлари эҳтиёжлари даражасида албатта ўзлаштириб олишлари кафолатланади

## **Мавзу бўйича назорат саволлари:**

1. Педагогик технологияга таъриф беринг?
2. Технологияни методикадан фарқи нимада?
3. Педагогик технологиянинг тузилиши ҳақида нима биласиз?
4. Педагогик технология мониторинги қандай ташкил этилади?
5. “Метод” сўзига таъриф беринг?
6. Қайси давлатларда педагогик технологиялар марказалари ва мавжуд ва уларнинг асосий фаолиятига нималар киради?
7. Педагогик технологиялар муаммолари бўйича нашр этиладиган журналларни санаб беринг?
8. Педагогик технологияларнинг ривожланиш даврларини айтинг?
9. Қандай педагогик технологияларни биласиз?
10. Педагогик технология бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган олимларни айтинг?

## **Мавзуга оид тест саволлари:**

**Методика билан «педагогик технология» тушунчаларини изоҳи қайси жавобда кўрсатилган?**

- А. Методика—ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуаси
- Б. Педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойихалаш ташкилий—педагогик муолажалар мажмуаси
- В. Педагогик технология методиканинг таркибий қисмига киради
- Г. Фақат А ва Б жавоблар тўғри

**2. Педагогик технологияларни қаноатлантирадиган мезонлар нималардан иборат?**

- А. Изчиллик
- Б. Бошқарувга асосланганлик
- В. Самарадорлик
- Г. Жавобларнинг барчаси тўғри

**3. Анъанавий таълимда ўқувчининг бош вазифаси нималардан иборат?**

А. Ахборотни қабул қилиш, ёрдам, ахборотни қайта ишламаган ҳолда жавоб бериш

Б. Ўқув топшириқларини ва муаммоли ҳал этишда иштирок этиш, доимо ўз билимини бойитиш, керакли баҳони кўтиш

В. Ўз билимини мустаҳкамлаш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилиш, ўз иқтидорини намоён этиш, ижодий изланиш

Г. Ўзини ва бошқаларини хурмат қилиш, ҳамкорликда ишлаш, китобхонлик билан шуғулланиш

**4. Таълим жараёнини «Технологиялаш» қандай маънони билдиради?**

А. Ўқитишининг техник воситалари ёрдамида ташкил этишни билдиради

Б. Таълим мақсадларига эришишда таълим жараёнини ўқитувчининг шахсий маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда универсал тарзда лойихаланганини билдиради

В. Ўқув ишлаб чиқариш таълими тушунилади

Г. Ўқитувчи ўқувчи билиш фаолиятининг ташкилий шаклларини таълим мазмунига мос ҳолда танлашини билдиради

**5. Педагогик технологияни тузилмаси акс этган қаторни топинг?**

- А. Тавсифий, илмий, амалий
- Б. Концептуал асос, таълим жараёни мазмуни, технологик жараён
- В. Умумпедагогик, предметли, локал
- Г. Муаммоли ўқитиш, дастурлаштирилган, табақалаштирилган ўқитиш

**6. Педагогик технологиялар устивор методлар бўйича қандай таснифланади?**

- А. Табақалаштирилган, дунёвий
- Б. Тарбияловчи, демократик
- В. Ўйин, ўз-ўзини ривожлантирувчи таълим
- Г Жавобларнинг барчаси тўғри

**7. 1961 йили АҚШда қандай журнал чоп этила бошланди?**

- А. «Дастурли таълим» журнали
- Б. «Илғор технологиялар»
- В. «Янги ахборот технологиялари» журнали
- Г. «Педагогик технология» журнали

**8. Қандай таснифга кўра педагогик технологиялар: умумпедагогик, хусусий методик, локал турларига бўлинади?**

- А. Кўлланиш даражасига кўра
- Б. Фалсафий асосга кўра
- В. Илмий концепциясига кўра
- Г. Таркибий тузилишига кўра

**9. Педагогика фанида яна қандай янгилик турларига қизиқиш уйғонганини аниқланг?**

- А. Хусусий янгилик
- Б. Шартли, маҳаллий янгилик
- В. Субъектив янгилик
- Г Ҳамма жавоблар тўғри

**10. Педагогик технологиянинг аспекти акс эттирилган қаторни кўрсатинг?**

- А. Умумпедагогик, хусусий, методик, локал
- Б. Тизимлилик, самаралик, бошқарувчанлик
- В. Инсонпарварлик, диалектик, методик
- Г. Илмий, тавсифий, амалий

**Тингловчиларга тавсия этиладиган малака иши мавзулари:**

1. Бошқарувда илоғор педагогик технологияларни қўллаш муаммолари.
2. Педагогик технология ва методика: танлаш, татбиқ этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил этиш масалари.
3. Хусусий фанларни ўқитишнинг ўзига хос муаммолари. Метод танлаш тажрибасидан.
4. Дарсга кириш ва таҳлил этиш техникаси. Мактаб дарсларини кузатиш тажрибасидан.
5. Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва мазмун моҳияти.
6. Педагогик технология турлари ва унинг методикадан фарқлари хақида.
7. Инновацион технологиялар-таълим самарадорлигининг омили сифатида.

8. Турли педагогик технологиялар бўйича дарс ишланмаларини тайёрлаш.
9. Педагогик технологияларни қўллаш жараёнида ишлатиладиган кўргазмали ва тарқатма материалларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар.

### **Фойдаланилган ва тингловчиларга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Ишмуҳамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. - Т.: РБИММ, 2008. – 68 б.
2. Ишмуҳамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Директорнинг иш китоби (амалий тавсиялар). – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2007. – 122 б.
3. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологииялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истебдод, 2008.-180 б.
4. Ишмуҳамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологииялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гурух раҳбарлари учун амалий тавсиялар).– Т.: Истебдод, 2010.-140 б.
5. Коджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах./ М.:Айрис-пресс, 2006.
6. Колеченко А.Е. Энциклопедия педагогических технологий: Пособие для преподавателей. – СПб.: КАРО, 2002 г.
7. Питюков В.Ю. Основы педагогической технологии.- М.: «Гном-Пресс», 1999 г.
8. Селевко Г.К., Современные образовательные технологии.- М.: «Народное образование», 1998 г.
9. Таълимда янги педагогик технологииялар: муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари.- Т.: Ўз ПФИТИ, 1999 й.
10. Толипов Ў.К., Усмонбоева М. Педагогик технологиияларнинг татбиқий асослари (ўқув қўлланма).-Т.: «Фан» нашриёти, 2006 й.
11. Толипова Ж.О. Педагогик технологииялар-дўстона мухит яратиш омили. -Т.: ЮНИСЕФ, 2005 й.
12. Б.Л. Фарберман.“Прогрессивные педагогические технологии” - Т. 1999.
13. Г.К. Селевко. “Современные образовательные технологии”. Учебное пособие - М.: Народное образование, 1998.
14. В.П. Бесспалько. “Слагаемые педагогические технологии”. - М. Педагогика 1989
15. В.П. Бесспалько “Педагогика и прогрессивные технологии” - М. 1995.

### **Тавсия этиладиган интернет ресурслари:**

1. 1. <http://www.istedod.uz> - “Истебдод” жамғармаси сайти.
2. <http://www.edunet.uz> - мактаблар, ўқувчи ва ўқитувчилар сайти.
3. <http://www.scholar.urg.ac.ru/courses/telecom> – мактабда телекоммуникацияни ўқитиш услубиёти.

## **2- мавзунинг технологик харитаси ва маъруза матни**

**Фан:** Илғор педагогик технологиялар. **Аудитория:** Директорлар гуруҳи

**Мавзу:** **Интерфаол таълим, унинг шакллари ва иштирокчилари.** (3-блок, XII-кисм, 2-мавзу)

**Калит сўзлар:** *интерактив, фаол методлар, интерфаол методлар, таълим муҳити, Блум таксономияси, модератор, тренер, фасилитатор, ментор, коуч, эксперт, технолог, асистент.*

**Соатлар сони:** 2 соат

**Маъруза матнини ишлаб чиқувчи:** Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна

**Маъруза матнини ишланган санаси:** 26.05.2010

**Иш жойи:** А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, “Умумтаълим фанлари ва педагогик технологиялар” кафедраси

### **Мавзунинг қисқача таърифи (Давлат талабларига мувофиқ)**

Таълим ва тарбия жараёнида интерфаол методларнинг ўрни ва имкониятлари. Интерфаол методларни қўллашнинг дарс самарадорлигини оширишдаги ўрни. Интерфаол таълимнинг асосий мезонлари. Жамоа бўлиб ишлаш учун топшириқлар бериш, ёзма ишлар бажариш ва бошқа методларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти.

Интерфаол методларни машғулот мақсадига мувофиқ танлаш. Интерфаол машғулот турлари ва уларни танлаш, тайёргарлик кўриш жараёни, машғулотда вақтдан унумли фойдаланиш, воситаларни танлаш, тайёрлаш, машғулот ўтказувчилар ва уларнинг вазифалари. Интерфаол методлар билан анъанавий таълим усуллари орасидаги ўзаро фарқлар, қиёсий афзалликлар ва камчиликлар. Машғулотларда ўқув фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда интерфаол ёки бошқа методларни тўғри танлаш. Интерфаол методларнинг конструктивизм назарияси билан боғлиқлиги. Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари. Интерфаол методларнинг педагогик ва психологик хусусиятлари. Интерфаол машғулот самарадорлигини белгилашнинг педагогик-психологик асослари

### **Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси**

**Метод:** Оғзаки баён қилиш, слайдлар асосидаги кичик маъруза, кичик гурухларда ишлаш, тақдимот

**Форма:** савол-жавоб, индивидуал ишлаш, кичик гурухларда ишлаш, жамоа билан катта гурухда ишлаш.

**Воситалар (техник ва дидактик):** тарқатма материал, 4 та ватман когоз, маъруза асосида тайёрланган презентация слайдлари, маркерлар, скоч, доска, компьютер, проектр.

**Назорат:** Оғзаки назорат, ўз-ўзини назорат қилиш, савол-жавоб,

**Баҳолаш:** Рағбатлантириш, гурухлар ишини баҳолаш.

**Дарс /маъруза/нинг мақсад ва вазифалари:**

**Мақсадлар:**

**Таълимий:**

Интерфаол таълим методлари, уларнинг таснифи, қўлланилишига оид назарий билимлар билан таништириш.

**Тарбиявий:**

Интрефаол таълим, унинг иштирокчиларини рағбатлантириш, қўллаб-куватлаш, интерфаол таълим мухитини ташкил этишга ўргатиш.

**Ривожлантирувчи:**

Интерфаол дарсларнинг самарадорлигини баҳолаш, ташкил этиш ва рағбатлантиришни қўллаб-куватлашга ўргатиш

**Вазифалар:** (мақсадга мос равиша вазифаларни тингловчи учун топшириқ ёки савол шаклида ифодаланг)

Фаол ва интерфаол таълимнинг фарқи нимада? Анъанавий методлар билан интерфаол методларни таққосланг. Фарқларини аниқланг.

**Тарбиявий савол:** Интерфаол таълим мухити қандай талабларга жавоб бериши керак? Интерфаол таълим методларини санаб беринг.

**Ривожлантирувчи савол:** Ўзингиз раҳбарлик қилаётган таълим муассасасида интерфаол таълим мухитини яратса оласизми?

**Кутилаётган натижалар:**

**Дарс/маъруза/ якунида тингловчи билади (Билим):**

Интерфаол машғулот самарадорлиги омиллари, анъанавий ҳамда интерфаол дарс орасидаги айрим фарқлар, Интерфаол методларнинг таснифларини билиб оладилар.

**Қайси саволлар берилади:**

Фасилитатор, Тренер, модератор, ментор, коуч, эксперт, технолог, ассистент сўзларини тушунтириб беринг.

**Дарс/маъруза/ якунида тингловчи тушунади (Кўникма):**

Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари, интерфаол таълим мухитини ташкил этиш кўникмаларига эга бўладилар.

**Қайси саволлар берилади:** Дарс самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни сананг.

Блум таксономиясини тушунтириб беринг. Шу асосда дарс учун қўлланилиши мумкин бўлган саволларни шакллантиринг.

**Дарс/маъруза/ якунида тингловчи бажара олади (Малака):**

Интерфаол таълимда дарс жараёнини лойихалаш малакалари шаклланади

**Қандай топшириқлар берилади:**

Интерфаол методлар қўлланган дарс ишланмаси яратинг.

**Дарс жараёни ва унинг босқичлари:**

**Ишнинг номи**

**Бажариладиган иш мазмуни**

**Метод**

**Вақт**

<b>1-босқич: Ташкилий қисм.</b>	1. Давоматни аниқлаш ва тингловчиларни 4 та гурухга бўлиш	Санаш ёрдамида	2 мин
<b>2-босқич: Рефлексия.</b>	1-мавзуни асосий тушунчаларини эслаш.	Гурухлар ичида муҳокама.	<b>5 мин</b>
<b>3-босқич: Янги мавзунинг баёни</b>	<p>1. Гурухлар берилган матнни ўрганиб асосий ўринларини ажратиб оладилар ва гурухнинг тақдимотини тайёрлайди.</p> <p>2. Гурухларнинг тақдимоти (ҳар гурухга 3 мин).</p> <p>3. Ўқитувчининг “Интерфаол методларнинг таснифлари” бўйича маълумотлари</p>	<p>Кичик гуруҳда ишлаш</p> <p>Тақдимот</p> <p>Слайд ёрдамидаги кичик маъруза</p>	10 мин 15 мин 15 мин
<b>4-босқич: Мустаҳкамлаш</b>	<p>1. Гурухларда битта метод бўйича маълум бир мавзуни танлаб, дарс ишланмаси тайёрлаши</p> <p>2. Ишланмаларнинг муҳокамаси</p>	<p>1. Гуруҳ иши</p> <p>2. Тақдимот</p>	15 мин 10 мин
<b>5-босқич: Баҳолаш. Дарс якуни</b>	<p>1. Гурухлар ишини хулосалари</p> <p>2. Мавзу бўйича савол – жавоб ўтказиш</p>	Гуруҳни баҳолаш	1 мин 6 мин
<b>6-босқич: Мустақил бажариш учун топшириқлар (уйга вазифа)</b>	4-дарсда тақдимот учун дарс ишланмаларини тайёрлаш	3 та гурухга бўлинган ҳолда	1 мин

### **Дарс/маъруза/нинг бориши:**

**1-босқич.** Ўқитувчи дарсни бошланишида тингловчиларни 1,2,3,4 рақамлари ёрдамида санаш орқали гурухларга бўлади.

**2-босқич:** “Педагогик технология таърифи, унинг турлари ва методикадан фарқи” мавзусининг асосий тушунчаларини ва қалит сўзларини эслаш ва кичик гуруҳда муҳокама қилиш. Бунда ҳамма гуруҳ эслаган тушунчаларини ва ғояларни қоғозларга ёзди ва гуруҳ ичида муҳокама қиласди.

**3-босқич: 1-иши:** Кичик гурухларда янги мавзуни ўрганиш. Бунда ўқитувчи янги мавзуни олдиндан 4 кичик мавзуга ажратиб чиқади ва ҳар бир гуруҳ битта кичик

мавзуни берилган матн асосида ўрганиб чиқиб, ватман көгозида бошқа гурухларга тушунтириб бериш учун тайёргарлик күради ва гурух ичидан битта тақдимотчи тайёрлайди. Тақдимотчининг вазифаси ўз материалини мантиқан изчилликда, равон нутқ билан барча тушунтиришдан иборат. Гурухларнинг опшириклари қуидагича:

- 1-гурух: Интерфаол машғулот самарадорлиги омиллари** (*матн илова қилинди*)
- 2-гурух: Анъанавий ҳамда интерфаол дарс орасидаги айрим фарқлар. (*матн илова қилиади*)**
- 3-гурух: Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари. (*матн илова қилинди*)**
- 4-гурух: Интерфаол таълимда дарс жараёнини лойиҳалаш. (*матн илова қилинди*)**

**2-иш:** гурухларларнинг чиқишилари.(ҳар бир тақдимотчига 4 мин)

**3-иш:** **Ўқитувчининг “Интерфаол методларнинг таснифлари”** бўйича маълумотлари. Кичик маъруза слайдлар асосида (*слайд ва маъруза илова қилинди*)

**4-босқич: 1-иши:** Гурухларда битта метод бўйича маълум бир мавзуни танлаб, дарс ишланмаси тайёрлаши

**2-ии:** Ишланмаларнинг муҳокамаси.

**5-босқич:** Мавзу бўйича савол-жавоб ўтказиш.

Саволларнинг намуналари:

1. Интерфаол таълим жараёни деганда нимани тушунасиз?
2. Интрефаол стратегиялар деганда нима тушунасиз? Фикрларингизни мисоллар билан ифодаланг?
3. Интерфаол ўқитиш муҳити нима?
4. Қайси интерфаол ўқитиш методларини биласиз? Таснифини келтиринг?
5. “Бумеранг” технологияси қайси босқичлардан ташкил топган?
6. “Инсерт” усули ҳақида нима биласиз?

**6-босқич: Мустақил бажариш учун топшириқлар (уйга вазифа):** Ҳар бир тингловчи мавзу бўйича қуидаги жадвални тўлдиради:

**2-мавзу: Интерфаол таълим, унинг шакллари ва иштирокчилари  
(маъруза иловалари)**

**Режа:**

- 1. Интерфаол машғулот самарадорлиги омиллари**
- 2. Анъанавий ҳамда интерфаол дарс орасидаги айрим фарқлар**
- 3. Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари**
- 4. Интерфаол таълимда дарс жараёнини лойиҳалаш**
- 5. Интерфаол методларнинг таснифлари**

Интерфаол метод – таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришини фаоллаштириш, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади.

**“Интерактив” (интерфаол)-инглизча сўз бўлиб,**

**“interact”- “inter”-бу ўзаро,**

**“act”-бу “ҳаракат қилмоқ” маъносини англатади.**

Умумлатиргандан эса “Интерактив” (интерфаол) –“ўзаро ҳаракат қилмоқ” маъносини англатади.

**Интерфаол таълим бу:**

**▲ Стратегия ва методология;**

**▲ доимий мулоқотга асосланган методлар тизими;**

**▲ биргаликдаги ўқиш ва фаол иштирок этишдир.**

Интерфаол таълимнинг асосий мезонлари: норасмий баҳс-мунозаралар ўтказиш, ўқув материалини эркин баён этиш ва ифодалаш имконияти, маърузалар сони камлиги, лекин семинарлар сони кўплиги, ўқувчилар ташаббус кўрсатишиларига имкониятлар яратилиши, кичик гурӯҳ, катта гурӯҳ, синф жамоаси бўлиб ишлаш учун топшириқлар бериш, ёзма ишлар бажариш ва бошқа методлардан иборат бўлиб, улар таълим-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда ўзига хос аҳамиятга эга.

## **1. Интерфаол машғулот самарадорлиги омиллари (1-гуруҳ учун матн)**

Хозирда таълим методларини такомиллаштириш соҳасидаги асосий йўналишлардан бири интерфаол таълим ва тарбия усулларини жорий қилишдан иборат. Интерфаол усулларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мустакил фикрлаш, таҳлил қилиш, хulosалар чиқариш, ўз фикрини баён қилиш, уни асослаган ҳолда ҳимоя қила билиш, соғлом мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўнимкалари шаклланиб, ривожланиб боради.

Бу масалада америкалик психолог ва педагог Б.Блум билиш ва эмоционал соҳалардаги педагогик мақсадларнинг таксономиясини яратган. Уни **Блум таксономияси** деб номланади. (Таксономия-борлиқнинг мураккаб тузилган соҳаларини таснифлаш ва системалаштириш назарияси). Унга кўра тафаккурнинг ривожланиши **билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, умумлаштириш, баҳолаш** даражаларида бўлади. Булар қўйидаги белгилар ҳамда ҳар бир даражага мувофиқ феъллар намуналари билан ҳам ифодаланади, жумладан:

**Билиш**-дастлабки тафаккур даражаси бўлиб, бунда ўқувчи атамаларни айта олади, аниқ қоидалар, тушунчалар, фактлар ва шу кабиларни билади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: қайтара билиш, мустаҳкамлай олиш, ахборотни этказа олиш, айтиб бера олиш, ёзиш, ифодалай олиш, фарқлаш, таний олиш, гапириб бериш, тақрорлаш.

**Тушуниш** даражасидаги тафаккурга эга бўлганда эса, ўқувчи фактлар, қоидалар, схема, жадвалларни тушунади. Мавжуд маълумотлар асосида келгуси оқибатларни тахминий тафсифлай олади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: асослаш, алмаштириш, яққоллаштириш, белгилаш, тушунтириш, таржима қилиш, қайта тузиш, ёритиб бериш, шарҳлаш, ойдинлаштириш.

**Қўллаш** даражасидаги тафаккурда ўқувчи олган билимларидан факат анъанавий эмас, ноаънанавий ҳолатларда ҳам фойдалана олади ва уларни тўғри

күллайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: жорий қилиш, ҳисоблаб чиқиш, намойиш қилиш, фойдаланиш, ўргатиш, аниқлаш, амалга ошириш, ҳисоб-китоб қилиш, татбиқ қилиш, ҳал этиш.

**Таҳлил** даражасидаги тафаккурда ўқувчи яхлитнинг қисмларини ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ажратади, фикрлаш мантиқидаги хатоларни кўради, фактлар ва оқибатлар орасидаги фарқларни ажратади, маълумотларнинг аҳамиятини баҳолайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: келтириб чиқариш, ажратиш, табақалаштириш, таснифлаш, тахмин қилиш, башорат қилиш, ёйиш, тақсимлаш, текшириш, гурухлаш.

**Умумлаштириш** даражасидаги тафаккурда ўқувчи ижодий иш бажаради, бирор тажриба ўткизиш режасини тузади, бирнечта соҳалардаги билимлардан фойдаланади. Маълумотни янгилик яратиш учун ижодий қайта ишлади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: янгилик яратиш, умумлаштириш, бирлаштириш, режалаштириш, ишлаб чиқиш, тизимлаштириш, комбинастиялаштириш, яратиш, тузиш, лойиҳалаш.

**Баҳолаш** даражасидаги тафаккурда ўқувчи мезонларни ажратади, уларга риоя қила олади, мезонларнинг хилма-хиллигини кўради, хулосаларнинг мавжуд маълумотларга мослигини баҳолайди, фактлар ва баҳоловчи фикрлар орасидаги фарқларни ажратади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: ташхислаш, исботлаш, ўлчаш, назорат қилиш, асослаш, маъқуллаш, баҳолаш, текшириш, солиштириш, қиёслаш.

## 2. Анъанавий ҳамда интерфаол дарс орасидаги айрим фарқлар (2-гуруҳ учун матн)

№	Асосий тушунчалар	Анъанавий дарс	Интерфаол дарс
1	Кўлланиш даражаси	Барча мавзулар бўйича улар учун кулагай бўлган дарс турлари шаклида кўлланилади.	Айрим мавзулар бўйича интерфаол дарснинг қулай бўлган турлари шаклида кўлланилади. Бошқа мавзулар учун анъанавий дарс кўлланилади
2	Дарс мақсади	Дарс билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, мустаҳкамлаш.	Дарс мавзуси бўйича мустақил фикрлаш, хулосага келиш, уларни баён қилиш, ҳимоялашга ўргатиш.
3	Ўқитувчининг вазифалари ва иш усуслари	Янги мавзуни тушунтириш, мустаҳкамлаш, назорат, топшириқлар бериш.	Ўқувчиларнинг мустақил ишлашларини ва тақдимотларини ташкил қилиш, бошқариш, назорат, якуний хулосаларни асослаб бериш.
4	Дарсга тайёргарликк а талаблар	Дарс режаси, конспект ва дидактик воситаларни тайёрлаш.	Интерфаол дарс ишланмаси, мустақил ишлар учун топшириқлар, тарқатма материаллар, бошқа зарур воситаларни тайёрлаш.
5	Ўқувчилар тайёргарлигиг а талаблар	Олдинги дарс бўйича вазифаларни бажариб келиш.	Янги дарс мавзуси бўйича асосий тушунчаларни ва дастлабки маълумотларни билиш.
6	Ўқувчининг вазифалари ва иш усуслари	Ўқитувчини тинглаш ва ўзлаштириш, берилган топшириқларни бажариш.	Ўқитувчи берган топшириқларни бажариш бўйича мустақил фикрлаш, ўз фикр, хулосаларини бошқаларга

			солиштириш ва якуний хулосага келиш
7	Вақт тақсимоти	Дарс вақтининг кўп қисми ўқитувчининг янги мавзуни тушунтириши, таҳлил қилиши, топшириқларни тушунтириши, ўзлаштиришни назорат қилишига сарфланади.	Дарс вақтининг кўп қисми ўқитувчиларнинг мустақил топшириқларни бажариши, фикр алмашиши, мушоҳада қилиши, ўз хулосаларини баён қилиши ва химоялашига сарфланади.
8	Дарснинг модул ва алгоритми	Дарснинг модул ва алгоритмларидан ҳар бир ўқитувчи ўзи қўллаётган методга мувофиқ фойдаланади.	Ҳар бир дарс олдиндан тайёрланган модуллар ва алгоритмларга, лойихаларга мувофиқ ўтказилади.
9	Ўқувчилар нинг фаоллик даражаси	Ўқитувчи ҳар томонлама фаол, ўқувчилар диққатни жамлаш, тушуниш, фикрлаш, топшириқларни бажариш бўйича фаол.	Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам ҳар томонлама фаол. шакллари: ўқитувчи-ўқувчи; ўқувчи-ўқувчи; ўқувчи-кичик грух; кичик грух-кичик грух; ўқувчи-ўқитувчи; кичик грух-ўқитувчи; грух-ўқитувчи.
11	Кутиладиган натижа	Мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўнекма, малакаларни ўзлаштиришлари.	Мавзу бўйича ўқувчиларнинг ўз фикр, хулосаларини шакллантириш, уларни мустақил билим олишга ўргатиш.

Интерфаол машғулотнинг ушбу жадвалда кўрсатилган айrim жиҳатларини таҳлил қилиш асосида қўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ўқув режадаги фанларни ўқитишида қайси мавзулар бўйича интерфаол дарслар ташкил қилиш мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиш зарур. Бунда бир мавзу бўйича машғулотнинг мақсадига тўлиқ эришишни таъминлайдиган интерфаол ёки анъанавий машғулот турларидан фойдаланиш кўзда тутилади.

2. Интерфаол машғулотнинг самарали бўлиши учун ўқувчилар янги машғулотдан олдин унинг мавзуси бўйича асосий тушунчаларни ва дастлабки маълумотларни билишларини таъминлаш зарур.

3. Интерфаол машғулотда ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари учун анъанавий машғулотга нисбатан кўп вақт сарфланишини ҳисобга олиш зарур.

Интерфаол таълим усули – ҳар бир ўқитувчи томонидан мавжуд воситалар ва ўз имкониятлари даражасида амалга оширилади.

Интерфаол машғулотларни амалда қўллаш бўйича айrim тажрибаларни ўрганиш асосида бу машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни кўрсатишимиш мумкин. Уларни шартли равища ташкилий-педагогик, илмий–методик ҳамда ўқитувчига, ўқувчиларга, таълим воситаларига боғлиқ омиллар деб аташ мумкин. Улар ўз моҳиятига кўра ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишимиш нazarда тутишимиз лозим.

#### **Ташкилий-педагогик омилларга қўйидагилар киради:**

- 1 Ўқитувчилардан интерфаол машғулотлар олиб борувчи тренерлар гурухини тайёрлаш;
- 2 Ўқитувчиларга интерфаол усулларни ўргатишни ташкил қилиш;

- 3 Ўқув хонасида интерфаол машғулот учун зарур шароитларни яратиш;
- 4 Маъruzачининг ҳамда иштирокчиларнинг иш жойи қулай бўлишини таъминлаш;
- 5 Санитария-гигиена меъёрлари бузилишининг олдини олиш;
- 6 Хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни таъминлаш;
- 7 Давоматни ва интизомни сақлаш;
- 8 Назорат олиб боришни ташкил қилиш ва бошқалар.

**Илмий-методик омилларга қуидагилар киради:**

- 1 Дтс талабларининг бажарилишини ҳамда дарсдан кўзда тутилган мақсадга тўлиқ эришишини таъминлаш учун мақсадга мувофиқ бўлган интерфаол усулларни тўғри танлаш;
- 2 Интерфаол машғулот ишланмасини сифатли тайёrlаш;
- 3 Интерфаол машғулотнинг ҳар бир элементи ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ бўлишини таъминлаш;
- 4 Машғулотлар мавзуси ва мазмунини сўнгги илмий-назарий маълумотлар асосида белгилаш;
- 5 Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини олдиндан аниқлаш ва шунга мос даражадаги интерфаол машғулотларни ўтказиш;
- 6 Интерфаол машғулот учун етарлича вақт ажрата билиш ва бошқалар.

### **3. Интерфаол таълим ва тарбия жараёни иштирокчилари (3-гурух учун матн)**

Интерфаол машғулотлар ўзига хос ташкилий тузилишга эга бўлиб, уни ташкил қилиш ва олиб бориш бўйича фаолият турлари алоҳида ажратилган ва ҳар бири бўйича алоҳида вазифалар белгиланган. Бунда бир машғулот жараёнида машғулотни олиб борувчи бир вактда ушбу вазифаларни бажариши кўзда тутилади. Шу билан бирга бир машғулотни икки ёки уч педагог ёки ёрдамчилар биргалиқда олиб бориши ҳам қўлланилади. Улар бажарадиган вазифаларига кўра қуидагича номланадилар:

- 1. Модератор** – таълим мазмунини яратувчи, модулларини ишлаб чиқувчи.
- 1. Тренер** – ўкувчиларнинг кўнимкамаларини ривожлантирувчи машқлар ўтказувчи маҳсус тайёргарликдан ўтган мутахассис.
- 2. Тютор** – масофадан ўқитиши дастурларини яратувчиси ва бажарилишини таъминловчи.
- 3. Фасилитатор** – дарсда кўмакчи, йўналтирувчи, жараёнга жавоб бермайди, хулоса чиқармайди.
- 4. Ментор** – устоз, ўргатувчи (якка ва гурухли тартибда).
- 5. Коуч** – таълим олувчиларнинг тўлиқ ўзлаштиришлари учун ёрдам кўрсатувчи репетитор, инструктор, тренер. Амалиёт давомида амалий машғулотни олиб боради, иш жараёнини назорат қилувчи, кузатувчи. (Коучинг-имтиҳонларга ёки спорт бўйича тайёргарлик кўриш).
- 6. Консультант** – маслаҳат берувчи, тушунтирувчи, қўшимча маълумот берувчи.
- 7. Лектор** – назарий маълумотлар билан таништирувчи.
- 8. Эксперт** – кузатиш, таҳлил, текшириш, хулоса, тавсия, таклиф, мулоҳаза билдириш.
- 9. Инноватор** – янгиликларни таълим мазмуни ва машғулотлар жараёнига жорий қилувчи.
- 10. Менежер** – ташкилий – педагогик ва иқтисодий масалаларни ҳал этувчи.

11. **Спектер** – кузатиш, таҳлил қилиш ва хулосаларни баён қилиш.
12. **Ассистент** – машғулот учун тайёрланган воситаларни амалда қўллашга тайёрлаш, машғулот иштирокчиларига ёрдам кўрсатиб туриш.
13. **Секретар** – зарур маълумотларни ёзиб бориш, тегишли хужжатларни расмийлаштириш, ўрнатилган тартибда сақлаш.
14. **Технолог** – педагогик технология мутахассиси. Замонавий педагогик технологиялар асосидаги дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиб боради.
15. **Методист** – таълим-тарбия методлари бўйича мутахассис. Дастурларни ишлаб чиқишида ва амалга ошириш жараёнида методик масалаларни ҳал этиб боради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, интерфаол таълим бир вақтда бир нечта масалани ҳал этиш имкониятини беради. Булардан асосийси-ўқувчиларнинг мулоқот олиб бориш бўйича кўнишка ва малакаларини ривожлантиради, ўқувчилар орасида эмоционал алоқалар ўрнатилишига ёрдам беради, уларни жамоа таркибида ишлашга, ўз ўртоқларининг фикрини тинглашга ўргатиш орқали тарбиявий вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

#### **4. Интерфаол таълимда дарс жараёнини лойиҳалаш (4-гуруҳ учун матн)**

Дарс жараёнини лойиҳалашда ўқитиши методларини тўғри танлаш, яъни методларни дарснинг вазифалари ва мазмунига мослиги, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Ўқитувчи дарснинг лойиҳасини ишлаб чиқишида куйидаги топшириқларни кетма-кет бир бутунликда амалга ошириши керак.

**1-босқич:** Ўқитувчи дастур, дарслік, методик қўлланма ва синф ўқувчиларининг умумий тавсифи билан танишиб чиқиши лозим.

**2-босқич:** Дарснинг асосий вазифалари мажмуасини: ўқитиши, таълимий мақсад, тарбиявий мақсад ва ривожлантирувчи мақсадларни ва вазифаларини белгилаш.

**3-босқич:** Дарснинг асосий босқичларини тўғри, аниқ ва изчилликда жойлаштириш.

**4-босқич:** Дарснинг ҳар бир босқичи мазмунидаги асосий ўринли ажратиб олиш.

**5-босқич:** Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитиши методларини, воситаларини, технологияларни танлаш.

**6-босқич:** Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитишининг етакчи; умумсинфий, кичик гурух ва индивидуал шаклини танлаб олиш.

**7-босқич:** Бўш ўзлаштирувчи ва тайёргарлиги кучли бўлган ўқувчилар учун тафовутланган машқ ва вазифаларни танлаш.

**8-босқич:** Тегишли синф ўқувчилари учун вақт меъёрларига мувофиқ уй вазифасининг мақбул ҳажмини танлаш.

#### **Интерфаол таълим жараёнида кичик гурухларда ишилаш**

Муаммоли таълим жараёнида кичик гурухлар ишини ташкил этиш учун ўқитувчи қуйидагиларни яхши тушуниб олиши лозим:

1. Ўқувчининг индивидуал ҳаракатлари билан жамоа бўлиб ишлагандаги ҳаракатлари нимаси билан фарқланади?
2. Кичик гурухларнинг биргаликдаги ишидан қандай натижаларни кутиш мумкин?
3. Гурухнинг ҳамфикрлилар жамоасига айланиши учун нималар қилиш керак?

4. Кичик гурух ва унинг таркибига киравчи ўқувчининг ишини қандай баҳолаш керак?

### ***Гуруҳлар билан ишилаш бўйича айрим маслаҳатлар***

1. Ҳамкорлик гуруҳлари кам сонли бўлиши керак. Гурух қанчалик кичик бўлса шунчалик ҳар бир ўқувчи масъулиятлироқ бўлади.

2. Ҳар бир гурух аъзосининг билимини индивидуал тартибда текшириш лозим.

3. Даврий тартибда танлаб (оралатиб) оғзаки сўровлар ўтказиш фойдали, бундай пайтда ўқувчилар гурух аъзолари ёки бутун синф олдида гурух иши ҳақида гапириб берадилар.

4. Барча гуруҳлар ишини кузатиб бориш ва гурух аъзосининг умумий меҳнатда иштирок этган ҳамма ҳолатларини қайд этиш керак.

5. Ҳар бир гуруҳда «назоратчи» бўлиши керак, у ҳар бир гуруҳдошидан нима учун гурух берилган саволга бошқача эмас, айнан шундай жавоб берганлигини тушунтириб беришни сўраши мумкин.

#### **1. Интерфаол методлар: “Муаммоли вазият” методи**

*(ўқитувчининг кичик маърузаси)*

“Муаммоли вазият” методи таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабабини ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимларини топиш бўйича кўнікма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган метод.

“Муаммоли вазият” методининг таркибий тузилиши қуйидагича:

**Муаммоли вазият тавсифини келтириш**

**Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш**

**Гуруҳлар муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаши**

**Гуруҳларнинг муаммоли вазиятни оқибатлари тўғрисидаги  
фикрларини жамланиш босқичи**

**Гуруҳларни муаммоли вазиятни ечимини ишлаб чиқиши босқичи**

**Тўғри ечимларни танлаш босқичи**

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги ўқувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Ўқувчилар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлиши керак, чунки муаммони ечимини топа олмаса ўқувчиларнинг қизиқишилари сўниши ва болалар ўзига бўлган ишончини йўқотиши мумкин. Дарс жараёнида ушбу методдан фойдаланганда ўқучилар мустақил фикр юртишга, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишга, унинг ечимини топишга ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методини кўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқитувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди, муаммони баён қиласди.